Куч — адолатда

2010 йил,
25 март,
пайшанба
№ 12 (266)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Азиз дўстлар, муҳтарам меҳмонлар!

Биз орзиқиб кутадиган, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи — Наврўзи олам қутлуғ қадами билан ўлкамизга кириб келмоқда.

Мана шу улуғ айём билан сиз азизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли юртдошлар!

Наврўз барчамиз учун азал-азалдан аввало табиат уйғониши, шарқона янги йил дебочаси, маънавиятимизнинг узвий қисмига айланиб кетган энг қадимий, асл миллий байрам сифатида азиз ва мўътабардир.

Ҳақиқатан ҳам, бу дилбар фаслда офтоб чарақлаб, ер ва кўкни қиздириши билан биз ҳам ўзимизни худдики янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз, юракларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда янги куч-ғайрат жўш ургандек бўлади.

Айни шу мунаввар кунларда инсон табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида Наврўз қувончини ўз яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам кўришга интилади.

Айни шу гўзал паллада бетакрор Ватанимизнинг барча гўшаларида — Фарғона водийсидан Сурхон тоғларигача, Қорақалпоқ диёридан Самарқанд боғларигача, Тошкент воҳасининг ям-яшил қир-адирларигача — халқимиз, кексаю ёш юртдошларимиз табиат билан уйғун бўлиб, сайил-томошалар ўтказиб, Наврўзни катта хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

Саховатли заминимизда яшайдиган барча-барча инсонлар, қайси миллат, қайси элат вакили бўлишидан қатъи назар, бу ажойиб байрамни ягона оила бўлиб, шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Айни шу дамларда халқимизга мансуб бўлган бағрикенглик ва меҳрибонлик, кексаларнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтож ва кўнгли ярим одамларга беминнат ёрдам бериш каби юксак фазилатлар яна ва яна бир бор ўзининг тасдиғини топмоқда.

Бу буюк ва бетакрор айёмнинг яна бир ноёб хислати шундаки, баҳор келиши, гул-чечаклар очилиши билан ҳар қайси инсон ўз оила аъзолари, қадрдонларини бағрига босиб, нафақат таниш, балки нотаниш одамларни ҳам қутлаб, соғлик-омонлик, бахт ва омад тилайди, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, аҳиллик тобора мустаҳкамланиб боришини, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Неча минг йиллик тарихдан маълумки, Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди.

Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизация ривожига қўшган буюк ҳиссасини инобатга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу йилдан бошлаб бу айёмни Халқаро Наврўз куни деб тан олгани, албатта, бежиз эмас ва бу барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Қадрли дўстлар!

Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, бизга яхши ният ва хайрихоҳлик билан қарайдиган, мамлакатимиз тараққиёти учун катта кўмак бераётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, чет эл ваколатхоналари вакилларига, узоқ-яқиндаги дўсту ҳамкорларимизга самимий миннатдорчилик билдириб, уларни чин дилдан қутлашга рухсат этгайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Кўкламнинг беғубор нафаси уфуриб турган, деҳқонларимиз янги орзу-умидлар билан ерга уруғ қадаётган шу қутлуғ паллада барчангизни бағримга босиб, Наврўз байрами билан яна бир бор муборакбод этаман.

Шу гўзал майдонга файз бериб ўтирган муҳтарам фахрийларимизга, мунис опа-сингилларимизга, чеҳрасида хуш кайфият, куч-ғайрат порлаб турган ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Илоҳим, мана шундай хурсандчилик билан бошланаётган Янги йилимиз Ватанимизга тинчлик, бахту саодат, ободлик ва фаровонлик олиб келсин.

Деҳқонларимизнинг омадини берсин!

Ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



ЭЗГУЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж



Қиш уйқусидан кўз очган она табиат янги кунга юз тутди. Димоққа дилни орзиқтирадиган ифор — баҳор нафаси урилади. Кўклам шабадаси уйғотган сабзалар нафис гиламдек кўзни қувнатади. Бодроқдек гуллаган ўрик шохларида, қоқигулларнинг хушбичим ғунчаларида кўклам суврати намоён. Насимлар оғушида жажжи болакайлар зумрад майсалар орасидан чучмомаларни теради. Мусаффо осмон бағрида чарх уриб учаётган қалдирғочлар қўшиғи юракларда ажиб ҳислар уйғотади.

Борлиқдаги уйғониш, яшариш ва янгиланиш юртимизга боқий байрам, меҳру оқибат, қут-барака рамзи — Наврўзи олам кириб келганидан мужда беради.

Одамлар қалбига чексиз қувонч бахш этадиган Наврўз неча минг йиллардан буён халқимиз асраб-авайлаб, эъзозлаб келаётган гўзал қадриятларимиздан...

23 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюришган.

Соат 11.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдоннинг атрофида анвойи ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди. Саҳна тепасида ўрнатилган турфа гуллар жонланиб, қуёшнинг заррин нурларида жилоланади. Бундай файзли манзаралар кўнгилларга ҳузур бахш этади.

Шундай фараҳбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаётган ҳамюртларимизнинг кўнглида шодлик, яна бир Наврўзга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, элу юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш ураётир.

Фусункор майдон узра борлиқ уйғониши, Янги кунни мадҳ этувчи наво таралади. Саррин куй оғушида кўз ўнгимизда баҳорнинг ажиб манзаралари, ям-яшил қир-адирлар, гулларга бурканган водийлар, чаппар уриб гуллаган боғлар намоён бўлади.

...Саҳнага жажжи болакайлар кириб келади, майдон уларнинг шўх-шодон кулгуларига тўлади. Фарзандларимиз ижросидаги кўкламни, бахтиёр болаликни, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувноқ дамларини мадҳ этувчи жарангдор куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар шодиёна аҳлини завқлантириб юборади...

Наврўз — баркамоллик, навқиронлик ва гўзаллик фасли. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши навқирон авлодга беқиёс шодлик, ғурур ва ифтихор бағишлади.

Халқимиз азал-азалдан фарзандлар бахту иқболини кўзлаб, эзгу орзулар билан яшайди. Айни Наврўз кунларида фарзандларига атаб, уларнинг бахтли ва фаровон келажагини ўйлаб ниҳол экиб, боғ яратади. Ҳар қандай йилнинг хосияти баҳорнинг илк лаҳзаларидан маълум бўлганидек, биз буюк келажагимизни авваламбор ҳар жиҳатдан тўкис, комил ва баркамол авлод тимсолида кўрамиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимиз баркамол, замонавий билимларни пухта эгаллаган, ийманли-эътиқодли, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб камолга етишига доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Ўтган 2009 йилда соғлом зурриётни дунёга келтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўғил-қизларимизнинг замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар, 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурига оид қарорлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти изланувчан, қобилиятли, эзгу мақсадлар сари дадил интилаётган истеъдод соҳибаларини аниқлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, интилишларини рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Бундай ғамхўрлик ёш мусиқачи, Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 8-синф ўқувчиси Нодира Дадамуҳамедова ҳаётида ҳам ёрқин из қолдирмоқда.

2010-yil — Barkamol avlod yili

Истиқболи порлоқ истеъдод соҳибаси

Мусиқа — гўзаллик олами. Унинг жозибасига мафтун бўлмаган, меҳр қўймаган инсон кам топилади. Акмал ака ва Гулнора опа хонадонида ҳам санъатнинг бу турини барча қадрлайди. Шунданми, жаҳон ва миллий мумтоз мусиқа асарларидан намуналар бу оилада каттаю кичик томонидан алоҳида эътибор билан тингланади. Инсоннинг руҳий-маънавий камолотида мусиқа санъатининг аҳамияти катта эканини яхши англаган ота-она Нодиранинг бу йўналишда мукаммал таълим-тарбия олиши учун барча шароит ва имкониятларни яратишга ҳаракат қилади.

Нодира пойтахтимиздаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейига ўқишга борганида унинг фортепиано ижрочилиги билан бирга барча умумтаълим фанларини пухта ўзлаштириши, қобилияти, зукколиги ўқитувчилар эътиборини тортди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Bag`rikenglik tamoyillari

Муросада ҳикмат кўп

Кексаларнинг ҳар бир ишда етти ўлчаб бир кесишни, шошма-шошарлик қилмай, мулоҳазали бўлишни уқтириши бежиз эмас. Негаки, ҳаётда ҳамма нарса бир хил — текис кечмайди, баъзида лаҳзалик кайфият таъсирида билиб-билмай бировга озор етказиб қўйиш ҳеч гап эмас. Ана шундай паллаларда муроса қилиш, ихтилофга йўл қўймаслик, ҳиссиётларга берилмаслик — яна ҳаммасининг ўз ўрнига тушиб кетишига омил бўлади.

(Давоми учинчи бетда)

ЭЗГУЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Она ва бола скрининг хизмати йўлга қўйилгани, соғлом оналикни таъминлаш, фертиль ёшидаги аёлларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш, озиқ-овқат таркибини фойдали микроэлементлар билан бойитиш, қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш, репродуктив саломатликни яхшилаш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларини мунтазам йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган кенг миқёсли изчил чора-тадбирлар соғлом фарзандлар туғилишига хизмат қилмоқда.

Ёшликда олган билим — тошга ўйилган нақшдир. Дарҳақиқат, инсон умрининг ёшлик йиллари ўқиш, изланиш, камолот сари интилиш палласи, бахт-саодат йўлидаги энг муҳим босқич ҳисобланади. Аниқ мақсад-муддаоларни кўзлаган ҳолда тинимсиз илм ўрганиш, ижодий изланишда бўлиш ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Юртимизда ёшларимиз учун бу борада ҳавас қилса арзигулик шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ўз вақтида узоқни кўзлаб бошлаган оламшумул ишларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Биргина 2009 йилда мамлакатимиз бўйича жами 1957 мактаб, 214 академик лицей ва касб-ҳунар коллежи қурилгани ва реконструкция қилингани, улар энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлангани, спорт инфратузилмасига эга бўлгани, барча мактабларимиз ҳаётига Интернет тизими кириб боргани ёшларимизнинг камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг ёрқин ифодасидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, ҳурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради. Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун замин бўлиб хизмат қилади. Спорт мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўйини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари навқирон авлодни спортга кенг жалб этиш билан бирга юртимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарадиган спортчиларни кашф этишда ғоят катта аҳамият касб этаётир. Болалар спортини ривожлантириш борасида мамлакатимизда яратилган тизим ва тўпланган тажриба жаҳонда кўпчиликда қизиқиш ва ҳавас уйғотмоқда.

Бу соҳада амалга оширилаётган ишларимизнинг самараси ўғил-қизларимизнинг халқаро майдонларда эришаётган муваффақиятлари мисолида ҳам намоён бўлмоқда. 2009 йилнинг сентябрь ойида Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ўтказилган XV жаҳон чемпионатида вакилларимиз битта олтин, битта кумуш, иккита бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Эркин ва юнон-рум кураши бўйича Данияда ўтган жаҳон чемпионатидан ўзбекистонлик курашчилар бир олтин, бир кумуш ва бир бронза медаль билан қайтгани, каноэ ва байдаркада эшкак эшиш бўйича Техронда ўтган Осиё чемпионатида спортчиларимиз 9 олтин, 10 кумуш, 8 бронза медални қўлга киритгани алоҳида эътирофга лойиқдир.

Спортнинг нафис тури ҳисобланган бадиий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда. Жорий йил февраль ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва гимнастикачи қизларимиз эришган юксак натижалар бу спорт турига эътибор ва қизиқиш мамлакатимизда муттасил ошаётганидан далолатдир.

Инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, тафаккурининг ривожланишида санъатнинг ўрни ва аҳамияти ғоят каттадир. Шу маънода, ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашда, қалби ва онгида она Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Давлатимиз раҳбарининг болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига оид қарори фарзандларимизнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг сара намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли вазифалар униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, ҳаётга кириб боришига хизмат қилиши шубҳасиз.

...Муаззам саҳнада болалик завқини суриб, барчага сурур бахш этаётган жажжи болакайлар тимсолида бугун вояга етаётган ёшларимизнинг нурли, беғубор юзларига, ақл-заковатига, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият қуришга қодир эканига ишончимиз ортади...

Наврўз байрами азалдан покизалик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру саховат тимсоли бўлиб келган. Ота-боболаримиз бундай кунларда хонадонлар, кўча ва маҳаллаларни ораста қилганлар, етим-есир, бева-бечоралар, хастаю муҳтожларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатишга шошилганлар, гина-кудуратлар унутилган.

Халқимиз бу йил ҳам боқий байрамимизни алоҳида тараддуд билан кутиб олди. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Умумхалқ ҳашари ташкил этилиб, маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар-жойлари ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда муқаддас қадамжолар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди. Табарук қарияларимиз, ота-оналаримизни эъзозлаш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат кўрсатиш, жамиятимизда ҳеч кимни эътиборсиз ва қаровсиз қолдирмаслик каби азалий фазилатларимиз ривож топмоқда.

Буюк аждодларимизнинг илм-фан ва маданиятнинг кўплаб соҳалари ривожига кўшган бебаҳо ҳиссасини дунё аҳли кенг эътироф этган. Юртимизда маданий ва маънавий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилда азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Халқимиз Наврўзни ҳамиша эзгу ниятлар, хурсандчилик, ўйин-кулги, яхши тилак ва истаклар билан қарши олган. Халқ термалари, бахшилар айтишуви, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, лапарлар янграган. Улоқ-кўпкари, халқ ўйинлари, пойга, кураш, мерганлик, кўчқор, хўроз уришириш каби томошалар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этган. Сумалак, ҳалим каби хилма-хил баҳорий таомлар пиширилган.

...Фольклор ва этнографик жамоаларнинг ранг-баранг ашула ва рақслари, аскияларда, лапар, ўлан, яллаларда, полвону чавандозлар чиқишида Наврўз байрамининг ана шу хилма-хил ва ноёб қирралари намоён бўлади...

Янгиланиш – нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос узвий жараён. Шу маънода, 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайлов мамлакатимизнинг демократик ўзгаришлар, фуқароларимизнинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қандай улкан муваффақиятларга эришганини яна бир бор тасдиқлади.

Ушбу сайловлар сайловчиларимизнинг фаоллиги, очиқлик ва ошкоралик руҳида, миллий қонунчилик ва халқаро стандартларга тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтганини жамоатчилигимиз, халқаро кузатувчилар кенг эътироф этди.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, бўлиб ўтган сайловлар халқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди.

Тинч-осойишта юртда хурсандчилик, тўй-томоша кўпаяверади, ҳаловатли халққа байраму сайиллар ярашади. Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсат самарасида осмонимиз мусаффо, тинчлик-барқарорлигимиз мустаҳкам, турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил ҳаёт кечирмоқда. Она Ватанимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни кўз қорачиғидек асраш, жондан азиз фарзандларимизни турли иллатлар ва бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

...Саҳнада баралла янграётган мумтоз қўшиқлар, жозибали рақслар дилларни дилларга боғлайди, қалбларни фахрга тўлдиради. Кўз ўнгимизда Наврўзнинг инсонни ва тинчликни улуғловчи моҳияти, халқимиз маданиятининг нақадар бой ва бетакрор эканлиги янада ёрқинроқ намоён бўлади...

Тинчлик ва ҳамжиҳатлик ҳукмрон, фидойилик, изланиш, ташаббус ва ҳалол меҳнат қадрланган юртда қут-барака бўлади. Буни бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик, юксалиш суръатлари давом этаётганида ҳам кўриш мумкин. Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва Инқирозга қарши чоралар дастуримизни амалга ошириш натижасида 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, халқимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришди. Ўтган йилда юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Ўтган йили кўрилган амалий чоралар самарасида 940 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга кўпайди.

Ҳа, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш борасидаги машҳур беш тамойил нақадар пухта ва ҳаётийлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди. Жаҳонда тараққиётнинг ўзбек моделига, Ўзбекистонда инқирозга қарши олиб борилаётган чоралар дастурига қизиқиш ортиб бормоқда. Буни Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг қисқа муддатда кўплаб хорижий тилларга таржима қилингани ва нашр этилганидан ҳам билса бўлади.

Наврўз — бунёдкорлик фасли. Юртимизда Наврўздан Наврўзгача, яъни йил давомида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мамлакатимиз бўйича 2009 йилда жами 22 йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида 480 ортиқ янги корхона ташкил этилди. 217 километрли автомобиль йўли фойдаланишга топширилди, 538 километр йўл ва кўплаб кўприклар капитал таъмирланди.

Шаҳар ва қишлоқларимизда олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг суръати вақтни-да шошириб қўядиган даражада ҳайратланарли. Буни ҳис этиш учун пойтахтимиз ҳуснига-ҳусн қўшган, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир намоёнига айланган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройини кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоя.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, бу ерда замонавий архитектура талаблари асосида уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиш, қишлоқ аҳолисига муносиб турмуш шароитларини яратиб бериб борасида улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида меъморчиликнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда ишланган намунавий лойиҳалар асосида замонавий, қулай ва шинам уй-жойлар қурилиши бошланди. Наврўз байрами нишонланаётган шу кунларда мазкур уйларнинг дастлабкилари ўз эгаларига топширилмоқда.

Юртимизда айём кунларида янги корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, таълим-тарбия муассасалари, спорт мажмуалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилмоқда, янги боғ-роғлар яратилмоқда.

...Саҳнада санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш хонандалар ўзларининг янги куй-қўшиқларини, рақсларини тақдим этадилар...

Истиқлол йилларида миллий эстрада санъатимиз сифат жиҳатдан янги ривожланиш палласига кирди. Бундай натижаларга эришишда миллий ва умумбашарий мусиқа санъатини, жаҳон санъатининг энг яхши намуналарини ўрганиш бўйича катта имкониятлар очилгани, соҳа ривожига кўрсатилаётган доимий эътибор, ёш истеъдодларни кашф этиш учун яратилаётган имкониятлар муҳим аҳамият касб этади.

...Майдон узра таралган мусиқий оҳанглар, ҳофизлар хонишида Наврўз, Ватан, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳити, севги ва муҳаббат тараннум этилади...

Миллий боғда ташкил этилган халқ ҳунармандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг нафис диди, сержило касб-кори, бой маданий-маънавий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнгилда фахр уйғотади.

Қиру адирларда, дашту далаларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоси таралмоқда, борлиқни уйғотувчи Наврўз навоси янграмоқда.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайллари давом этмоқда.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, жамоа шартномаси қандай тартибда тузилади?
Ф.НАБИЕВ,
Бўка тумани



— Меҳнат кодексининг 40-моддасида бу масалада сўз юритилган бўлиб, унга мувофиқ, жамоа шартномаси, башарти уни умумий йиғилишда (конференцияда) иштирок этаётганларнинг эллик фоизидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, маъқулланган ҳисобланади.

Агар жамоа шартномасининг лойиҳаси маъқулланмаса, тарафларнинг вакиллари уни умумий йиғилишда билдирилган таклиф-истакларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштирадилар ҳамда ўн беш кун ичида умумий йиғилиш муҳокамасига қайта тақдим этадилар.

Умумий йиғилишда маъқулланганидан кейин тарафларнинг вакиллари уч кун ичида жамоа шартномасини имзолайдилар.

— Эр-хотиннинг ўзаро розилиги асосида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораси қандай ҳолларда никоҳни бекор қилиши мумкин?
К.ЁРОВА,
Ўйчи тумани



— Оила кодексининг 42-моддасида эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идораларининг никоҳдан ажратиш тартиби ҳақида сўз юритилган. Унга мувофиқ, вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратишга ўзаро рози бўлса, уларнинг никоҳи фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идоралари томонидан бекор қилинади.

Эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га моддий таъминот бериш тўғрисида ёки уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлган тақдирда эр-хотин ёки улардан бири никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда нотариал ҳаракатларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бу ҳуқуқларни амалга ошириш Фуқаролик кодекси ҳамда «Нотариат тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади.

Fuqarolik qonunchiligi

Шахсий ва мулкий ҳуқуқлар

нотариал ҳаракатлар орқали кафолатланади

Битимлар, васиятномаларни тасдиқлаш, эр-хотиннинг умумий молмулкдаги улуши, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш, айрим ҳужжатларни шаҳодатлаш ва тасдиқлаш, ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатлар нотариуслар томонидан амалга оширилади.

Битимлар қонунда белгиланган ҳолларда ва тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланиши шарт. Ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. Агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўлиқ ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса, битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб топиши мумкин ва кейинчалик битимни нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бу ҳолда битим суд қарорига асосан рўйхатдан ўтказилади. Ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун хоҳлаган нотариусга мурожаат қилиши мумкин. Нотариал ҳаракатлар нотариал идора биносида амалга оширилади, агар фуқаро узрли сабабларга кўра келолмайдиган бўлса, нотариал идорадан ташқарида амалга оширилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда нотариуслар томонидан мурожаат қилувчиларнинг шахси, ҳуқуқ ва муомала лаёқати аниқланади. Нотариал гувоҳлантириладиган барча ҳужжатлар нотариус иштирокида имзоланиши керак.

Битимларни тасдиқлашда, ҳужжат нусхалари ва улардан кўчирмаларнинг тўғрилигини, имзоларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлашда тегишли ҳужжатларга тасдиқловчи ёзувлар ёзилади. Меросга бўлган ҳуқуқ, мулк ҳуқуқи тасдиқланганда, фуқаронинг тирик эканлиги ва муайян жойда эканлиги фактлари, фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлиги тасдиқланганда, сақлаш учун ҳужжатлар қабул қилиб олинганида тегишли гувоҳномалар берилади. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида фуқаролар ёки айрим мансабдор шахслар томонидан қонун бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланса, зарур чоралар кўриш учун тегишли ташкилотларга ёки прокурорга хабар берилади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар реестрда рўйхатга олинади. Ҳар бир нотариал ҳаракат алоҳида тартиб рақами билан рўйхатга олиниши керак. Айрим хилдаги ҳаракатларни амалга ошириш қонунга хилоф, ҳуқуқий лаёқатсиз шахс томонидан мурожаат қилинган бўлса ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш рад қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда нотариус мурожаат қилган шахснинг илтимосига мувофиқ рад этиш сабабини ёзма тарзда баён қилиб, унга шикоят қилиш тартибини тушунтириши лозим.

Манфаатдор шахс бажарилган нотариал ҳаракатларни ёки нотариал ҳаракатни бажариш рад этилганлигини нотўғри деб ҳисобласа, бу ҳақда нотариал идора жойлашган ҳудуддаги судга шикоят бериши мумкин.

Фахриддин ҲАЙДАРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судининг раиси

Жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш суд қабул қилган ҳужжатларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослилигини юқори босқич судлари томонидан текширишнинг муҳим кўриниши ҳисобланади. Ушбу инстанциялар текшируви натижасида биринчи босқич судлари томонидан йўл қўйилган хато-камчиликлар аниқланади ва тузатилади. Бу эса, ўз навбатида, одил судлов сифати ошишига, қонун устуворлиги таъминланишига хизмат қилади.

Faoliyat

Апелляция ва кассация институтлари

одил судлов сифатини оширишга, қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат қилайлик. Судланувчи К.Ғаниев жиноий шериги В.Мақсудов билан олдиндан тил бириктириб, ака-ука Х.Файзиев ва Б.Файзиевнинг уйларига бостириб киришган.

Ўзлари билан олиб келган пичоқ ёрдамида уларни қўрқитиб, Х.Файзиевнинг 865 минг, Б.Файзиевнинг 440 минг сўмлик мол-мулкини босқинчилик йўли билан талон-торож қилишиб, воқеа жойидан яширинишган.

Биринчи босқич суди судланувчи К.Ғаниевга Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми «в» банди билан 11 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси, жиноят ишлари бўйича Қизилтепа тумани судининг 2008 йил 25 августдаги ҳукми билан тайинланиб ўталмай қолган 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазосини Жиноят кодексининг 60, 61-моддалари тартибида қисман қўшиб, узил-кесил 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. В.Мақсудовга эса Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми «в» банди билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилган. Ҳеч бир эътирозга ўрин йўқ, зеро, судланувчиларга қилмишларига яраша қонун доирасида жазо тайинланган.

Аммо масаланинг бошқа томони бор. Гап шундаки, Жиноят кодексининг 34-моддаси 3-қисми «а» бандида илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан такроран ўта оғир жиноят содир этилиши ўта хавфли рецидивист деб топилиши учун асос бўлиши белгилаб қўйилган. Биринчи босқич суди К.Ғаниевни қонун талабидан келиб чиқиб, ўта хавфли рецидивист деб топиш масаласини муҳокама қилмаган. Аслида К.Ғаниев муқаддам Ғиждувон тумани судининг 1997 йил 8 сентябрдаги ҳукми билан Жиноят кодексининг 169-моддаси билан 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. У 2004 йил 1 декабрдаги амнистия актига кўра, ўталмай қолган тўрт ой озодликдан маҳрум қилиш жазосидан 2005 йил 6 январь куни озод қилинган. Амалда у 7 йил 9 ойу 28 кун жазони ўтаган. Жиноят кодексининг 78-моддаси талабига кўра, К.Ғаниевнинг судланганлик ҳолати тугалланмаган.

Олий суд Пленумининг **«Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 24-бандида апелляция инстанцияси суди ҳукмни ўзгартириш учун асослар мавжуд бўлганда маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишга ёки ҳукмдан уни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги қарорни чиқаришга ҳақли эканлиги белгиланган. Вилоят суди апелляция инстанцияси биринчи босқич суди ҳукмининг К.Ғаниевга оид қисмини ўзгартирди. Уни ўта хавфли рецидивист деб топишга, тайинланган жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тўғрисида ажрим чиқарди.

Якуний хулосага шошилмасдан яна бир мисолга эътиборингизни қаратсак. Биринчи босқич судининг 2009 йил 16 январдаги ҳукмига асосан Б.Пирматов Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм этилган. Вилоят прокурори томонидан келтирилган протестда биринчи босқич суди ҳукмининг Б.Пирматовга оид қисмини унга нисбатан тайинланган жазонинг енгиллиги учун бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи босқич судига юбориш сўралган.

Суд ҳукмига кўра, Б.Пирматов хавфли рецидивист бўлгани ҳолда жиноий шериклари З.Раҳмонов ва А.Ҳасанов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, Кармана тумани К.Нуров номидаги фермер хўжалигига қарашли ер майдонига қўйилган 35 метр узунликдаги умумий қиймати 400 минг сўмлик қувурларни ўғирлашган. Жиноят иши материалларига қараганда, Б.Пирматов муқаддам ҳам бир неча марта айнан ўғирлик жинояти учун судланган. Судланганлик ҳолати тугалланмаган. Жумладан, биринчи марта Навоий тумани судининг 1994 йил 13 майдаги ҳукмига асосан Жиноят кодексининг 125-моддаси 3-қисми билан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, 1998 йил 22 февралда амнистия актига асосан жазодан озод қилинган. Иккинчи марта жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2001 йил 27 ноябрдаги ҳукмига асосан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми билан 3 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси, учинчи марта жиноят ишлари бўйича Навоий тумани судининг 2002 йил 18 октябрдаги ҳукмига асосан Жиноят кодексининг 169-моддаси билан 5 йилга, муқаддам жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2001 йил 27 ноябрдаги ҳукмига асосан тайинланган 3 йил ахлоқ тузатиш иши жазосининг ўталмай қолган 3 ой 25 куни Жиноят кодексининг 60-63-моддалари тартибида, жазоларни қисман қўшиш билан узил-кесил 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **«Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 37-бандида Жиноят кодексининг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда Жиноят кодексининг махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, ушбу қарорнинг 9-бандида такроран ва рецидив жиноят содир этган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган асослар ва доирада оғирроқ жазо тайинланиши лозимлиги қайд этилган. Биринчи босқич суди ўғирланган қувурлар қайтарилганлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат деб асоссиз хулосага келган. Б.Пирматовнинг хавфли рецидивист эканлиги, у содир этган жиноят учун қонунда беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилганлигини инобатга олмаган. Унга нисбатан жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаган.

Шу сабабли кассация инстанцияси суд ҳукмининг Б.Пирматовга оид қисмини бекор қилиб, ишни Жиноят процессуал кодексининг 414-моддаси тартибида янгидан кўриш учун биринчи босқич судига юбориш тўғрисида ажрим чиқарди.

Юқорида баён этилган мисоллардан келиб чиқадиган хулоса шуки, ишларнинг апелляция ва кассация тартибида кўрилиши суд қабул қилган ҳужжатларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослилигини таъминлашга йўналтирилгани билан қимматлидир.

Насриддин ДАМИНОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти судининг раиси

Инсон эркинликлари ва манфаатлари дахлсизлигини таъминлаш, ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилиш — мамлакатимиз назорат-тартибот идораларининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Кенг кўламда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан кўзланган асосий мақсад ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилувчи идоралар фаолияти самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Qonun ko`magi

Назорат изчиллиги

қонун устуворлигини таъминлашнинг самарали омилидир

Тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда шартномавий-ҳуқуқий ишлар назоратини таъминлашда Хоразм вилояти адлия бошқармаси ҳам бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, ўтган йили адлия бошқармаси томонидан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишга доир 500 дан ортиқ мурожаат кўриб чиқилиб, шунинг 75 фоизи қаноатлантирилди.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, П.Бекчановнинг 2009 йил 9 январда «Жанубгазқурилиш» АЖга қарашли «Хива нефть-газқурилиш» унитар корхонаси ишчи-хизматчиларининг ойлик иш ҳақлари учун «Саноатқурилишбанк»нинг вилоят бўлими филиали томонидан пул маблағи берилмаётгани ҳақида вилоят адлия бошқармасига қилган мурожаати ўрганиб чиқилди. Натижада корхона ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи тўлиқ тўланишига эришилди.

Фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш бўйича аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ва айбдор шахсларга интизомий чора кўриш юзасидан ҳам тегишли идораларга тақдимнома ва таклифлар берилмоқда. Масалан, фуқаро Ж.Раҳимованинг шикояти бўйича ўтказилган ўрганишда аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш ва айбдор шахсларга интизомий жазо чораси қўллаш юзасидан Урганч тумани халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилиши натижасида тумандаги 9-сонли ўрта мактаб директори М.Қурбонбоевга нисбатан «ҳайфсан» интизомий жазо чораси қўлланилди.

Бундан ташқари адлия бошқармасининг



«Ишонч телефони»га қилинган мурожаатлар юзасидан ҳам ўз вақтида аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўтган йили ушбу тоифадаги мурожаатларнинг 45 фоизи қаноатлантирилиб, 55 фоизига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Маълумки, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши билан бевосита боғлиқдир. Шу боис вилоят адлия бошқармаси ҳуқуқий тарғибот масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, ўтган йили адлия идоралари ва муассасалари томонидан 1900 дан ортиқ ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, фуқароларнинг қонунга бўлган ишончи назорат-тартибот идораларининг самарали фаолияти билан мустаҳкамланади. Шундай экан, ҳуқуқ-тартибот идоралари, шу жумладан, адлия идоралари ходимлари зиммасида қонун устуворлигини таъминлашдай масъулиятли вазифа борлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Одилбек КАРИМОВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи

Saboq

Самимият ва меҳр-оқибат

аҳиллик ҳамда иноқликнинг гаровидир

Маълумки, безорилик жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят саналади. Ушбу жиноят жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, яъни жабрланувчини уриш-дўппослаш, унга муайян даражада тан жароҳати етказиш, мол-мулкини шикастлаш, нобуд қилиш тарзида содир этилади.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судида 2009 йил давомида 24 нафар шахсга нисбатан безориликка доир жиноят иши мазмунан кўриб чиқилган. Улардан тўрт нафарига суд ҳукми чиқарилган. Йигирма нафар шахсга нисбатан кўрилган жиноят ишининг тўққизтаси томонларнинг ярашуви билан якун топган. Ўн биттасига нисбатан иш Амнистия актига кўра, ҳаракатдан тугатилган.

Шу ўринда бевосита судланувчилар Р.Холдоров (исм-шарифлар ўзгартирилди) ва Қ.Камоловнинг жиноят ишига доир тафсилотларга эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Мансур гўшт дўконида одатдагидек савдо қилиб, харидорларга хизмат кўрсатиб турганди. Шу пайт эшикдан Қосим билан Равшан мўралаб, уни ташқарига имлашди.

— Ҳа, нима гап? — деди Мансур ҳайрон бўлиб.

— Бу ёққа кел! — буюрди Равшан.

«Бирон бир иши бордирда», деган хаёлда Мансур дўкондан чиқиб, уларга яқинлашди. Салом йўқ, алик йўқ, тўсатдан Равшан қизарган кўзларини унга қадаб, «Зўрмисан?!» — деди таҳдидли оҳангда. Томдан тараша тушгандай бу гапдан аввалига Мансур ажабланди. Аммо разм солиб, уларнинг маст эканлигини пайқагач, тортишиб ўтирмасликка қарор қилди.

— Узр, — деди Мансур, — мени кимгадир ўхшатяпсизлар.ю шекилли?

Аслида Мансур шу ердаги дўконда кўпдан буён ишлашига ишора қилганди. Сўнг у изига қайтиш учун орқасига бурилди. Аммо кутилмаганда Қосим унинг ортидан мушт туширди. Равшан эса чап юзига урди. Кутилмаган зарбадан ўзини йўқотиб қўйган жабрланувчи ерга йиқилди. Безорилар эса уни тепкилиб кетишди.

Жияни Мансурни дўппослашаётганини кўриб Акмал югуриб келганда Равшан кутилмаганда унга ҳам ҳамла қилди. У қўлидаги пиводан бўшаган шиша билан Акмалнинг бошига урди. Оғриқдан ҳушини йўқотар даражада ганг-иган Акмал гурсиллаб ерга қулади. Шу яқиндаги дўкончада Мансурнинг онаси Холниса опа ҳам савдо қиларди. Ғала-ғовурни эшитиб дўкондан чиққан она ўғли билан қайнукасини калтаклашаётганини кўриб, дод солганча шу томонга югурди. Афсуски, жаҳл отига минган безорилар аёлни ҳам аяб ўтиришмади.

Судга оид тиббий экспертиза хулосаларига кўра, амаки-жиян енгил тан жароҳати, Холниса опа эса ўртача оғирликдаги тан жароҳати олди.

Безорилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олиниб, уларга нисбатан жиноят иши очилди. Жиноят ишининг Р.Холдоровга нисбатан қисми Олий Мажлис Сенатининг 2009 йил 28 августдаги «Амнистия тўғрисида»ги қарори 7-бандига асосан суд ажрими билан тугатилди. Суд судланувчи Қ.Камоловнинг жиноят ишини ҳам батафсил кўриб чиқди. Маълум бўлишича, бу Қосимнинг ўттиз бир ёшда суднинг қора курсисига тўртинчи маротаба ўтириши экан. У муқаддам икки марта Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми билан судланган. Мазкур суднинг 2003 йил 6 февралдаги ҳукмига кўра, безорилик жинояти учун икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилган. Жазони тўлиқ ўтаган, судланганлик ҳолати тугалланган.

Афсуски, ўтмишдаги хатоларини унутган Қ.Камолов тағин ахлоқ-одоб меъёрларига амал қилмай, жиноятга қўл урди. Суд судланувчи Қ.Камоловни Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми «г» банди билан айбдор деб топиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

«Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил» деган мақол бежиз айтилмаган. Менсимаслик, кибру ҳавога берилиш ҳеч кимга обрў келтирмайди. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Қаҳрамон ХОЛМУРОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг раиси

Маълумки, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳасида, жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати бўлган суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг аниқ самарасини бермоқда.

Mezon

Яхши фазилат саодатга элтади

Қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган суд тизими қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялар ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият юритмоқда. Суд ҳокимияти инсонпарвар, демократик тамойиллар асосида яратилган қонунларга таяниб, одил судловни амалга оширмоқда. Зотан, **«Судлар тўғрисида»**ги қонуннинг 4-моддасида **«Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади»**, деб қатъий белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда барча фуқаролар жинси, миллати, тили, дини, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенгдир. Юртимизда нафақат республикамиз фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, шунингдек, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Донишмандлар «Яхши фазилат — инсонни саодатга етказувчи бирдан бир восита», деб бежиз айтишмаган. Аслида, маданият кенг қамровли тушунча. У халқимизнинг узоқ ўтмиши давомида шаклланган, миллатимизга хос энг ноёб фазилатлар жамланмаси ҳисобланади. Одил судловнинг бош мақсади — инсонпарварлик. Судьянинг маданиятлилиги унинг суд ишларини холислик, камтарлик, очиққўнгиллилик, хушфеъллик, билимдонлик, жамият ва халқ манфаатига қуюнчаклик, одилона, адолатли амалга оширишида намоён бўлади.

Бугунги кунда судья илмли, бой касбий ва ҳаётий тажрибага эга, ишга жиддий масъулият билан ёндашувчи, муайян суд ишини ҳал қилиш ваколатига эга процессуал шахс бўлибгина қолмай, у самимий, адолатпарвар инсон сифатида одамларда яхши таассурот қолдириши керак. Шундагина фуқароларнинг унга ва у орқали суд ҳокимиятига нисбатан ҳурмати кучаяди.

Шунингдек, судья қонунларни мукаммал билиши, тартиб-қоидаларга оғишмай амал қилиши, ўз устида мунтазам ишлаб бориши керак. Судьялик этикаси судьялик қасамёдига ҳар доим содиқ қолишни, фаолияти давомида сабр-тоқат билан иш тутишни, ҳалол ва адолатли бўлишни, ўз ваколати доирасида ишни холисона, беғараз, тарози палласини тенг қўйиб бажаришни тақозо этади.

Кейинги йилларда судьяларнинг ҳуқуқий мавзуларда мактаб, ўқув юртлари, маҳаллаларда суҳбат ва учрашувлар уюштириши анъанага айланиб бормоқда.

Бу билан улар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалишига катта ҳисса қўшаяпти. Айни шу омил эса ҳуқуқий давлатнинг муҳим шарти бўлган қонун устуворлигини таъминлайди.

Қисқаси, судьялик касби — қонунийлик ва адолатни қарор топтириш учун берилган ваколат. Ана шу ваколатга муносиб бўлиш ҳар бир судьянинг муқаддас бурчига айланиши керак. Шундагина одил судловни таъминлашга йўналтирилган суд ҳокимиятининг обрўси янада ортади, аҳолининг унга ишончи тағин ҳам мустаҳкамланади.

Зоир АЛИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг раиси

Bag`rikenglik tamoyillari

Муросада ҳикмат кўп

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Аслида, айбдор киши қилмишига яраша жазо олиши шарт. Инсоний адолат мезони ҳам, қонун талаби ҳам шуни тақозо этади.

Бироқ масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Гап шундаки, жазолашдан мақсад айбдорда қўрқув уйғотиш эмас, аксинча, жазонинг муқаррарлигига уни ишонтириш, қилган айбини тушуниб олишига кўмак бериш ва шу тарзда бундай қилмишга қайта қўл урмаслигига эришишдир.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг узвий қисми бўлган жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши жазонинг муқаррарлиги тамойилини ҳаётга янада кенгроқ татбиқ этиш имконини берди. Зеро, ярашув институти жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини камайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш тамойилларини кўпроқ қўллашда муҳим омил бўлаётир.



Шу ўринда ҳаётий мисолга эътибор қаратсак. Ҳакима Ўлжабоева (исм-шарифлар ўзгартирилди) коллежга ўқишга киргач, Чортоқ туманида истиқомат қилувчи холаси Дилнозанинг уйида яшай бошлади. Дилноза билан Қудрат ака Ҳакимани ўзларининг фарзандларидай ардоқлашди, айланиб-ўргилишди. Ҳакима аввалига ўқишга бориб-келиб юрган, уй юмушларига ёрдам бераётган эди. Хола-жияннинг ўзаро аҳиллиги Ҳакиманинг поччасига тегишли электр пайвандлаш аппаратини яширинча олиб чиқиб кетгунигача давом этди...

Зарур бўлганда Қудрат ака пайвандлаш аппаратини излаб, ҳеч қаердан тополмади. Шунда ҳам у Ҳакимадан гумонсирагани йўқ. «Уйимга ўғри тушибди», деган хаёлда туман ИИБ ходимларига мурожаат қилди.

Олиб борилган суриштирувлар натижасида электр пайвандлаш аппаратини бегона эмас, шу ҳовлида яшаётган, поччаси билан холасининг меҳридан баҳраманд бўлаётган Ҳакима олиб кетгани маълум бўлди.

Бу хатти-ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган Ҳ.Ўлжабоеванинг қилмишларига жиноят ишлари бўйича туман суди ҳуқуқий баҳо берди. Суд жараёнида барча ҳолатлар инобатга олинди, шу жумладан, Ҳакиманинг ўз айбини тушуниб, пушаймон бўлгани, поччасидан кечирим сўрагани, томонларнинг ўзаро ярашиб олгани, Қудрат Солиевнинг Ҳ.Ўлжабоевага нисбатан даъвоси йўқлиги боис мазкур иш ярашув билан ҳаракатдан тўхтатилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ярашув институти ўзаро ихтилофга бориб, сўнг ярашиб олган кишиларга ҳуқуқий кўмак бериши, уларнинг муросасини қонуний асослаши билан аҳамиятлидир.

Илёс УСМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон тумани судининг раиси
Икромжон ОРИФЖОНОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Jinoyat va jazo

Бир қарашда рўпарангизда турган кишининг яхши ёки ёмонлиги, ростгўй ёхуд ёлғончилигини билиш мушкул. Агар янги танишингиз ўзини сиз учун жонини берадигандай тутса, ҳар гапида буни таъкидлаб турса-ку, унинг ҳалол, виждонли киши эканига ишониб қолишингиз ҳеч гап эмас. Шу боис ҳам «Биринчи тасаввур алдамчи бўлади», дейишади. Бунинг устига фирибгар кимсалар ўзларининг асл қиёфасини яшириб юриш «иқтидори»ни шунчалик эгаллаб оладики, натижада унинг хушомадларига кўпчилик шубҳа қилмайди.

Қуйида ана шундай кимсалардан бирининг қилмишлари ҳақида сўз юритамиз.

Фирибгарнинг қилмиши

Суд очерки

Талъат Собиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) — 1957 йил Қорақўл туманида туғилган, олий маълумотли; муқаддам жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри Миробод тумани судининг ҳукми билан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми «а», «г» бандларида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилган ва давлатимиз раҳбарининг **«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»**ги Фармонига биноан жазодан озод этилиб, Жиноят кодексининг 77-моддасига кўра, судланганлик ҳолати олиб ташланган.

Албатта, Т.Собировнинг биринчи марта қилган жинояти оғир оқибатларга олиб келгани йўқ: у амнистия шарофати билан бир умрлик тамғадан — «судланган» деган номдан халос бўлди.

Тушунган кишига ушбу бағрикенгликнинг ўзиёқ ҳаётини яна бир маромда йўлга қўйиши, оқу қорани ажратиб яшаши учун етиб-ортарди. Лекин Т.Собиров андишанинг отини кўрқоқ деб санайдиганлар тоифасидан экан. У ўзига билдирилган ишончни суиистеъмол қилишда ҳеч нарсани эътиборга олмади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Ҳаётда баъзан тор ўйлаш, узоқни кўра олмаслик турли низолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Ўз манфаатларини бошқалар эркинлигидан устун қўйган киши сира «ноҳақман» деб ўйламайди, аксинча, зўр бериб ўзини оқлашга уринади. Гоҳида бундай тортишувлар катта можарога айланиб, судгача етиб боради.

Шаҳрисабз туманидаги Янгиҳаёт қишлоғида қариндошлар ўртасида бир неча йиллардан буён давом этиб келаётган низо ҳам аслида қонунга беписанд қараш туфайли юзага келган эди.

Qonun ustuvorligi

Даъво адолатли бўлса...

Гап шундаки, Башир ота қишлоқдаги каттагина ҳовлисида уй-жой қуриб, умргузаронлик қилди. Уч қизини вояга етказиб, пайти келганда, турмушга узатди. Тақдир экан, кампири бандаликни бажо келтиргач, каттакон ҳовлида бир ўзи ёлғизланиб қолди. Шунда Башир ота томорқасида уй-жой қурдириб, акасининг ўғли Кўпайсинни кўчиртириб келди. Кўпайсин Башир отанинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турди.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, Шаҳрисабз тумани ҳокимлигининг 2005 йилдаги қарори билан 6 сотих ер-участкаси Кўпайсин Маматовнинг 18 сўтих ер майдони Башир ота Маматовнинг номига расмийлаштириб берилди.

Башир ота ҳаётлигида Кўпайсинга уй-жойини қолдириш ҳақида гапириб юрган бўлса-да, буни қонунийлаштириб, васиятномада акс эттириш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

Отанинг вафотидан сўнг қизи Бўстон Боймирзаева Шаҳрисабз тумани давлат нотариал идорасининг 2005 йил 8 сентябрда тасдиқланган гувоҳномасига асосан меросхўр сифатида уй-жойга эгалик ҳуқуқини қўлга киритди-да, уни Фазлиддин Мирзаевга келишилган нарҳда сотди. Ҳаммаси рисоладагидай: қиз отасидан қолган меросни ўз номига қонуний расмийлаштирди. Энди мулк унинг эгалигида, бинобарин, уни тасарруф этиш — ихтиёрида.

Ҳа, қонунга асосан шундай, можарога ўрин йўқ, бироқ низони Кўпайсин Маматов чиқарди. Юқорида айтилганидек, Башир отанинг ҳаётлигида «Уй-жойимни сенга қолдираман», деганини мутлақ ҳақиқатдай қабул қилиб, ҳовли-жойни ўзиники ҳисоблаб юрган К.Маматов ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмади. Натижада Фазлиддин Мирзаев қўлидаги қонуний ҳужжатларига биноан эндиликда ўзиники бўлган уй-жойга кўчиб киролмай, бир неча йил овораю сарсон бўлди.

Шундан сўнг Ф.Мирзаевнинг судга мурожаат қилишдан ўзга чораси қолмади. Суд жараёнида ҳам К.Маматов ушбу ҳовли-жойнинг ўзига тегишли эканлигини исботлашга ҳаракат қилди-ю, бироқ бунга бирор-бир ҳуқуқий асос келтиролмади.

Олий суд Пленумининг 2001 йил, 14 сентябрдаги 22-сонли **«Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида»**ги қарорининг 5-банди 2-қисмида **«Мулкдор, унинг оила аъзолари, ижарачи ва унинг оила аъзолари ўртасида уй-жой масаласида келиб чиққан низолар (уйга киритиш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, уйдан кўчириб чиқариш) суд тартибида ҳал қилинади»**, деб белгиланган.

Шунга кўра, суд Ф.Мирзаевнинг даъвосини қаноатлантиришни, фуқаро Кўпайсин Маматовни эса оила аъзолари билан биргаликда ғайриқонуний равишда эгаллаб олган 18 сўтих ер майдони ҳамда 69,08 кв.метрдан иборат бўлган уй-жойдан мажбурий равишда чиқаришни лозим топди.

Дарҳақиқат, суд қонунга суянади, қонун ҳақиқатни акс эттиради. Киши бировдан ҳақини талаб қилишдан аввал ўзининг талаблари қонунга нечоғлик мослигини синчиклаб текшириб кўргани маъқул.

Шерзод ЭЛИЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судининг судьяси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

2010-yil — Barkamol avlod yili

Истиқболи порлоқ истеъдод соҳибаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Санъат сирларини мукаммал эгаллашда устози, моҳир педагог Алла Ким Нодирага бор меҳри, билимини беради. У ўқиш билан бирга тасвирий санъат, чеварлик, миллий каштачилик, спорт тўгаракларига ҳам қатнайди.

Дастлаб мамлакатимиз миқёсидаги ёш ижрочилар кўрик-танловлари, «Санъат ғунчалари» ижодий беллашувлари, фестивалларда муваффақиятли иштирок этган Нодиранинг ҳаётида 2003 йили унутилмас воқеа юз берди. У Грециянинг Маркополо шаҳрида бўлиб ўтган «Konzerteum» халқаро танловида иккинчи ўринни эгаллади.

Ушбу ижодий беллашувда қирқдан зиёд мамлакатдан келган ўғил-қизлар ўз маҳоратини кўрикдан ўтказишди. Кулча юзли, кўзлари ҳамиша кулиб турувчи ўзбекистонлик саккиз яшар қизнинг Моцарт, Шопен каби номдор композиторларнинг асарларини маромига етказиб, юксак маҳорат билан ижро этганини бутун зал ҳайратланиб томоша қилди, сўнг гулдурос қарсаклар билан узоқ олқишлади.

— Ўшанда жуда ҳаяжонланган эдим, — деб эслайди Нодира. — Ўзга юрт, томошабинлар ҳам, саҳна ҳам мутлақо нотаниш. Отонам, меҳрибон устозларим, жонажон Ватанимиз кўз ўнгимда гавдаланди. Шунда бор ҳаяжон унут бўлди. Болиб бўлганимни билганимда кўзларимда ёш қалқди.

2004 йили у Париж шаҳрида бўлиб ўтган Н.Рубинштейн номидаги еттинчи халқаро ёш пианиночилар танловида дунёнинг кўплаб давлатларидан келган тенгқурлари орасида ўзининг юксак ижрочилик маҳоратини, оҳангларни нозик ва теран ҳис этишини муносиб намойиш эта олди. Нодиранинг ижроси танлов ҳакамлар ҳайъати ва санъат ихлосмандлари томонидан биринчи ўринга лойиқ топилди.

— Мусиқа билим даргоҳида фаолият юритаётганимга қирқ йилдан ошди, — дейди ёш пианиночининг ўқитувчиси А.Ким. — Шу вақт мобайнида кўплаб ўқувчиларни санъатнинг сир-асроридан баҳраманд этишга баҳоли қудрат ҳаракат қилдим.

Улар орасида Нодира ўзининг ноёб истеъдоди, мусиқага меҳри жуда баландлиги, тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, камтаринлиги билан ажралиб туради. Ўқувчиларни рояль ижрочилигига ўргатиш унчалик мураккаб жараён эмас. Бироқ ижрочи мусиқани, аввало, ўзи қалбан ҳис эта олиши, унинг мазмунини, сержило оҳангларини тингловчи юрагига етказа билиши керак. Назаримда, кўплаб халқаро танловларда ғолиб бўлган Нодиранинг иқтидори ҳам мусиқани бор гўзаллиги, мафтункорлиги, жозибаси билан кишиларнинг юрагига етказа олишида!

Кейинги йиллар Нодира Руминияда бўлган «Pro Piano Romania» ўн иккинчи халқаро ёш ижрочилар кўрик-танлови ва Украинада ўтган «Индивидуалис» еттинчи мусиқа танловида биринчи ўринни қўлга киритди. Ўзбек қизининг Бах, Шопен, Бетховен, Моцарт каби машҳур композиторларнинг асарларини юксак маҳорат билан ижро этиши мусиқа соҳаси билимдонлари, педагоглар, санъатшунослар томонидан кўп марта эътироф этилган.

— Юртбошимизнинг истеъдод соҳибаларига ғамхўрлигининг ифодаси бўлган Зулфия номидаги Давлат мукофоти мен учун энг қадрли мукофотдир, — дейди Нодира. — Бу юксак эътибор ва ишончни оқлашга астойдил ҳаракат қиламан. Орзуим — Ватанимизнинг шуҳратига шуҳрат қўшиш!

Ҳа, Нодира Дадамуҳамедова эришган муваффақиятлар замирида юртимизда ёшлар камолоти ва истиқболи йўлида кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик мужассам. Бундай меҳр самараси ўлароқ, дунё аҳли Ўзбекистон истеъдодлар юрти эканига такрор-такрор гувоҳ бўлмоқда.

М.РЎЗИБОЕВА

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Одамнинг ташқи қиёфасига эмас, ички дунёсига эътибор бериш керак. Агар одамнинг ташқи қиёфаси ҳам, ички дунёси ҳам гўзал бўлса, янада яхшироқдир.

* * *

Нафсини тиймаган кишига илми фойда бермайди.

* * *

Фарзандингизни хушхулқ ва фозил бўлишга ўргатинг. Кимки ёшлигида яхши хулқ ва одобни эгалламас экан, улғайганда ундан билим талаб қилиб бўлмайди.

* * *

Ёлғон сўзлаш, эзмалик, такаббурлик, чақимчилик кишининг обрўсини тўкади. Вафодорлик, сабр-қаноат, мулоҳазакорлик ва тавозе кишини обрўли қилади.

* * *

Бир шам бошқа бир шамни ёқиши билан нури камаймайди.

* * *

Яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлиш ва донолар билан мулоқот қилиш саодатга элтади.

* * *

Кишилардан ўзингга қандай муомала кутсанг, ўзинг ҳам уларга худди шундай муомала қилгин.

Tafakkur gulshani

Маҳмуд САТТОР

Нега шундай деймиз?

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Кўза кунда эмас, кунида синади. Баъзи кимсалар «ҳеч ким билмайди», «индашмаяптику» деган ўйлар билан ўғирлик, ғирромлик, хиёнат, меҳнатсиз даромад орттириш каби нопок ишлар билан шуғулланишади. Халқимиз ана шундай текинхўрларга «кўзингни оч, қадамингни ўйлаб бос, нафсингни тийгин, бир кунмас, бир кун сиринг ошкор бўлиб, бошинг деворга урилади, ўшанда сўнгги пушаймон ўзингга душман бўлади» маъносида насиҳат қилиш учун ушбу мақолни ишлатади. Муқобили: «Қиғир ишнинг қирқ йилда ҳам қийиғи чиқар».

Нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма. Баъзан одамлар даврасида айримларнинг турли мавзуларда ўзи билиб-билмаган гапларни катта-катта гапириб, маҳмадоналик қилаётганига гувоҳ бўламиз. Бундай одамлар билими, ақли етмаса-да, турли масалаларга муносабат билдираверишади. Шундай кезларда кўпни кўрган, тажрибали оқсоқоллар ушбу мақолни ишлатишади. Мақол замирида кўчма, мажозий маъно бўлиб, «ақлинг етмаган нарсага аралашма», «тилингга эҳтиёт бўл» қабилида ғўр, тажрибасиз, мақтанчоқ одамларга танбеҳ, дашном сифатида қўлланади. Муқобили: «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир».

Mulohaza

Оила — жамиятнинг кичик, аммо муҳим бўғини. Унда келажак эгалари — ёш авлод камолга етади. Шу боис оиланинг ҳар жиҳатдан тўкислиги, тинчлиги алоҳида аҳамиятга эга. Албатта, эр ва хотиннинг бир-бирига ҳурмати ҳамда ишончи оила мустаҳкамлигида алоҳида ўрин тутади. Шу билан бирга, улар ўртасида никоҳ шартномаси мавжуд бўлса, ўзаро ишонч янада мустаҳкамланади.

Оила ришталари

уни мустаҳкамлашда никоҳ шартномасининг ҳам алоҳида ўрни бор

Никоҳ шартномаси — эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартибидир. Бу ҳужжат никоҳланувчи шахсларнинг никоҳда бўлган даврида ёки эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Никоҳ шартномаси — никоҳ давлат рўйхатидан ўтказилганда ёки никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланади, чунки ҳар бир шартномавий муносабат ёзма шаклда тузилиб, нотариус қонуний тасдиқлаганидан сўнг қонуний кучга эга бўлади. Албатта, никоҳ шартномасини тузиш ҳар бир шахснинг ихтиёрий ҳуқуқидир.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ўзаро эга бўлган умумий мулклари ва келажакда эга бўлишлари мумкин бўлган молмулкларига нисбатан ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ шартномаси тузилгач, эр-хотин ўртасидаги мулкий низолар барҳам топиб, оилавий муносабатлар мустаҳкамланади. Никоҳ шартномасининг асосий мазмуни эр ва хотиннинг умумий молмулкка эгалик қилишдаги муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб қўйишдан иборат.

Эр ва хотин никоҳ шартномаси билан ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга, никоҳлари бекор бўлганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга ҳақиқлари киритилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномасини бекор қилиш бир кишининг розилиги билан амалга оширилмайди, балки икки томоннинг ҳам розилиги талаб этилади. Лекин айрим ҳолларда бир томоннинг розилиги билан Фуқаролик кодексида кўрсатилган ҳолларда бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномаси никоҳ бекор бўлган кундан бошлаб бекор бўлади ва ўз кучини йўқотади.

Ҳар бир оиланинг мустаҳкам ва аҳил-тотув бўлишида никоҳ шартномасининг ўз ўрни бор. Чунки никоҳ шартномаси тузилиши билан инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояланади.

Лутфулло ТОШМУРОДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судининг судьяси

Jinoyat va jazo

Фирибгарнинг қилмиши

Суд очерки

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Меҳнатга бўйни ёр бермаган Т.Собиров жонини қойитмай пул топиш йўлини изларди. Шунда унинг хаёлига бир фикр келди: «Чет элда ишлайсан деса ўзини томдан ташлайдиганлар бор, шуларни бир туширсам-чи! Ҳужжатларни тўғрилашга, яна кўп нарсаларга вақт керак десам, анча пайт мазза қилиб яшашим мумкин, бундайлар ишини битириш учун пулнинг юзига қараб ўтирмайди».

Дастлабки «нишон» қариндоши Ботир Қодиров бўлди.

Улар бир маъракада учрашиб қолишганда, Талъат ўзининг Англияга ўқишга кетаётганидан гап очиб қолди. Ботир узоқ давлатга «кетишини» худди қўшни қишлоққа бораётгандай гапирган Талъатнинг оғзига анграйиб қараб қолди. Унинг эътибор билан тинглаётганини сезган Талъат эса гапни бурди.

— Истасангиз сизни ҳам олиб кетаман, ошпазлик қиласиз. У ерда ҳам ўзбекча паловнинг ишқибозлари кўп. Ош дамлашни биласизми ўзи?!

— Ҳа, энди, чойхонада катта бўлган эсак, — Ботир кулди, — биламиз-да.

— Унда пулни тахт қилинг, — деди Талъат қатъий. — Ҳужжатларни тўғрилашимиз билан кетамиз.

Унинг дадил гапларига ишониб, худди эртагаёқ чет элга кетадигандай шошиб қолган Ботир қариндоши Талъатга 1200 АҚШ доллари келтириб берди. Талъатнинг умидбахш гапларига ишонган Ботир орадан бир йилни ўтказиб юборди. Талъат яна Ботир билан учрашиб, ҳамма иш ҳал бўлганини, фақат ҳужжатлар учун тағин 1000 АҚШ доллари зарурлигини айтади. Ҳали-ҳамон чет элда ишлаш ниятидан воз кечмаган Ботир қариндошининг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, пулини шилиб кетганидан хабар топгач, ёқасини ушлаб қолди.

Дарҳақиқат, фирибгар Т.Собиров ўзининг «фаолият»ини тинмай кенгайтириб, яна бир қанча кишиларнинг ишончини суиистеъмол қилган эди. Унинг «ўлжалар рўйхати»да Англияда врач бўлиб ишлаш учун бир ярим миллион сўмидан воз кечган К.Қораев, ўғлининг Малайзияда ишлаши учун 1 250 000 сўмни қўзини чирт юмиб берган С.Боллиев, Малайзияда ишлаш учун 1 750 000 сўм, 100 АҚШ доллари берган Ж.Бўриев, Малайзияда ишлаш учун 750 000 сўм, 100 АҚШ доллари берган Д.Валиевлар бор эди.

Олиб борилган тергов жараёнида Т.Собиров томонидан фуқароларга етказилган моддий зарар тўлиқ ундириб олинди. Жиноят ишлари бўйича Қоракўл тумани суди Т.Собировни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топди. Шунингдек, суд жиноятчининг жиноий қилмишларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг ўз айбига иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини ва бошқа далилларни инобатга олиб, жазо тайинлади.

Бировларни алдаш билан кун кўрадиган одам аслида ўзини-ўзи алдаётган бўлади. Негаки, ишонч жуда нозик туйғу, унга эга бўлиш жуда қийин, йўқотиш эса осон. Бинобарин, ёлғончилик қилиб, бир марта ишончга путур етказган одамнинг бошқалар олдида обрўйи қолмайди, субутсиз кимса деган ном олади. Т.Собиров ҳам пул дардида кимларни нималар деб алдамади, ўрни келганда ёлғонни сувдай ичди, энди боши деворга текканда билдики, алдамчилик билан топганлари бугунги аҳволи олдида ҳеч нарсага арзимас, йўқотилган ишончни пулга сотиб олиб бўлмас экан.

Дарҳақиқат, одамийлик сифатлари ичида лафзга вафо қилиш, қатъият, ҳалоллик каби фазилатлар ортиқроқ улуғланади. Чунки ростгўй, виждонли одам бировга зарар етказишдан қўрқади, бировнинг насибасини тортиб олмайди. Сўнгги сўз шуки, ушбу фазилатлар кишилар ўртасида мустаҳкам, бардавом бўлса, юқоридагидай нохуш ҳодисаларга қайта дуч келмаймиз.

Абдумалик ТУРҒУНОВ,
Олий суд катта консультанти

Maslahat

Зарарни тўлаш тартиби

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги **"Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш тартиби тўғрисида"**ги Қоидаларининг тўртинчи бандига мувофиқ, қуйидаги ҳужжатлар меҳнат жароҳати учун иш берувчининг айбдорлигини ёки жавобгарлигини исботловчи далил бўлиши мумкин:

— бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси;

— бахтсиз ҳодиса ва ишлаб чиқаришда соғлиққа етказилган бошқа хил шикастлар тўғрисида далолатнома;

— суднинг қарори;

— меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, соғлиққа етказилган зарар сабабларини назорат қилишни амалга оширувчи давлат меҳнат техника инспектори ёхуд бошқа мансабдор шахслар (органлар)нинг хулосаси;

— касб касаллиги тўғрисида тиббий хулоса;

— айбдор шахсларга маъмурий ёки интизомий жазо бериш тўғрисидаги қарор;

— касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа ваколатли органи қарори.

Келишмовчилик пайдо бўлганда ёки иш берувчи зарарни тўлашни рад этганда, ушбу масала қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

G'aroyib olam

Ким? Қаерда? Қанақа?

- Хитойда қарийб 706 миллион ишчи кучи мавжуд. Бу эса Европадагидан уч баравар, Шимолий ва Жанубий Америкадагидан икки марта кўп дегани.
- Меросхўрларига 1 миллиард доллар қолдирган биринчи миллиардерлар — Жон Рокфеллер ва Эндрю Меллонлар ҳисобланади. Маълум бўлишича, илк бор миллиард доллар йиғишга Рокфеллер муваффақ бўлган.
- Энг ёш олимпия чемпиони франциялик болакай Марсель Делайте бўлади. У мазкур номга 1900 йили нидерландлар гуруҳидаги иштироки учун сазовор бўлган. Ўшанда Марсель 7-10 ёшлар атрофида эди.
- Эркаклар орасида энг кекса чемпион сифатида 1979 йилда Афинада марафон масофасини босиб ўтган 98 ёшли грециялик Димитрион Йорданский қайд этилган.
- 1873 йили ишлаб чиқарилган 1-рақамли «Кольт 45» русумли бир марта ўқланадиган тўппонча 1987 йилнинг май ойида «Кристи» кимошди савдосида 242.000 долларга сотилган.
- 1592 йилда италиялик таниқли олим Галилео Галилей мижозларнинг тана ҳароратини аниқлаш имконини берадиган термоскопни ўйлаб топган.
- Кўзойнак ихтиро қилиш ғояси флоренциялик коҳинга тегишли (1280 йил). Унинг Флоренция черковларидан бири яқинидаги қабрида «Бу ерда кўзойнак ихтирочиси — Сальвио Армати ётибди», деган ёзув бор.
- Косметика фирмаси соҳибаси — дельталик (АҚШнинг Луизиана штати) Уолкер хоним биринчи аёл-миллионер ҳисобланади. Унинг маълумоти, на мутахассислиги бўлмаган қора танли етим қиз бизнесини сартарошхона қуришдан бошлаган.
- Сахрои Кабирда йилига 160 мингта сароб ҳодисаси кузатилади.
- Япония ҳудудида суткасига ўртача 3 марта ер силкинади. Уларнинг баъзиларини ўта сезгир асбоблар қайд этади, холос.
- Дунёдаги энг катта вулқон Киу-Шиу оролида бўлиб, уни Асо деб номлашади. Кратерининг узунлиги 23 км, эни 14 км ва чуқурлиги 500 метр.
- Космосдан Ерга ҳар куни тахминан 27 тонна самовий чанг тушади.
- Қуёш нурининг 19 фоизини атмосфера қатлами ютса, 47 фоизи ерга тушиб, 34 фоизи самога қайтади.
- Энг кучли шамол эсадиган жой Антарктидадаги Виктория Ери ҳисобланиб, у ерда эсадиган шамолнинг тезлиги баъзан соатига 215 км.га етади.
- Ҳар қишда жанубий қутб музликлар ва қалин қор тушиши ҳисобига ўн триллион тоннага оғирлашади.

Интернет материаллари асосида Нурпўлат НУРҚУЛОВ тайёрлади.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФАЕВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шерали РАҲМОНОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЮНОВА, Масардин ҲАСАНОВ, Юлчибой ТУРСУНБОЕВ, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-218. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 8440. 1 2 3 5 Топширилди: 22⁰⁰